

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

- pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;
- tovlamachilik qilish;
- pora sifatida pul to'lash;
- bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

- korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;
- Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi
rasmiiyveb-saytidajoylashtirilganshaklyokielektronpochta.

TOMONLAR:

Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi

(davlat organi yoki tashkilotining lavozimi)


S. Shoqulov
(F.I.O.)

(imzo)

Bajaruvchi:

O. Jumayy
(F.I.O.)

(imzo)



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

- 1.Loyihaning turi: Shartnoma.
- 2.Loyihaning nomi: O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli Qonuni hamda 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli Qonuni va 27.09.2018-yildagi "O'zbekiston Respublikasining davlat xaridlari to'g'risidagi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3953-sonli Qarorlariga asosan;

Mirishkor tuman hokimligi obodonlashtirish boshqarmasi hamda ikkinchi tomondan "Nasaf Qurulish " MChJ o'rtasida, umumiy summasi 140 500 000 so'm bo'lgan Mirishkor tuman Vori MFY hududida tunggi yoritish ko'cha chiroqlari o'rnatish ishlari uchun pudrat shartnomasi to'g'risida;

- 3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot;
Mirishkor tuman hokimligi obodonlashtirish boshqarmasi, 2022-yil 15-iyul

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Mirishkor tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti
2022-yil 15-iyul.**

Z.S.Tursunov



ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№- 1

2022 йил 15 07

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Миришкор туман Ободонлаштириш бошқармаси устас асосида иш кўрувчи С.Шокулов бир томондан ва "Насаф қурилиш" МЧЖ кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган шўом асосида иш кўрувчи О.Жумаев Миришкор туман Вори МФЙ тунги ёритиш кўча чироқларини ўрнатиш ишлари учун мазкур пудрат шартномасини тўздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъуд бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан бирга объектида объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, бератиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги даволатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги даволатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги сенови тўғрисидаги даволатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида даволатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

вақтинчалик ишоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай тилдаги вақтинчалик бинолар ва ишоотлар.

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар.

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчиға қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва конкурс комиссиясининг қарори (2022 йил №- 116760- сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 140 500 000 сўм (Бир юз кирк миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади (сўмма ёзув билан).

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга ситиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда,
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда,
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб Утилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи Уртасидаги шартномаға қушумча битим билан расмиёлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинги II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга _____ иловаға мувофиқ ишларни бажариш жадавалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачиға мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

_____ иловаға мувофиқ қурилиш майдониға зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморға жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома
субпудратчининг номи ва маъноси тўғрисида хабардор қилиш;
қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утказилган даракларни ва
участканин муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатилиш;
қурилиш тавakkалчиликларини сугурта қилиш;
мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги даълатнома имзоланган кундан бошлаб бир
ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар,
приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатилиш;
қурилиш майдон қуриланишини таъминлаш;
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз эгасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда
бажарилишини ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкни жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ___ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун
яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда даълатнома бўйича Пудратчига
бериш;
ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи
томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни
қабул қилиб олишни таъминлаш;
Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига ___ -иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга
ошириш;
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро
хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома
миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайгдан бошлаб;
кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун
хужжатларига мувофиқ рўйхатдан утказилгандан кейин кучга киради. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31- декабргача
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган
кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 10
кунни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% фонзи миқдоринда аванс ўтказиши, бу
42 150 000 сўмни ташкил этади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш
жадваллари асос ҳисобланади (-илова).
16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни
бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида
амалга оширилади.
17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ўзил-кесил ҳисоб-
китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки
босқичда;
объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камида 45 фоизи
миқдоринда;
мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдоринда,
бирок молия йили тугамасдан амалга оширилади.
18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзига сарқаб
қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг
эгасида бўлади.
19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз эгасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб
ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини эъза равишда
хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.
Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРИНИ БАЖАРИШИ

Шартнома маълумотлари ва шартларини

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақидини - техник аудиторни таъинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утқаниладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғинишларда мунтазам равишда қатнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жаadwalига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга рўйа этилиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва стишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашшини схемалари ва жаadwalларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.
32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишга қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
Пудратчи Буюртмачининг маънафатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиққичларини Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтirmасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тўзата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни суғуриб-ташлайди.
38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилини олиниши, утқазилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишнинг тугаллашининг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.
Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ КЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санаида амалда бўлган белгиланган тартибда мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган кондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусxada тоқро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўлами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда таъкидлаш керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, кондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Узи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бўтловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатцияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш кондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги даъволатномани имзолаган кундан бошлаб камида 10 ой этиб белгиланади. Объект томонининг кафолатли муддати камида 3 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама даъволатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини даъволатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган даъволатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортиган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитекстурилиш назорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

52. Буюртмачи:

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда, ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда, Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда, қону ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда, Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда, қону ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилди, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қону ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУДЖИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон, иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қону ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 05 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асосан равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 05 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 05 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 05 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 05 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган қаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

65. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

66. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонуничиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцентсиз тартибда ундириб олинади.

XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИНИ ТАРТИБИ

67. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар Уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғлаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотадди.

69. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

70. Мазкур шартномага барча ўзгартриш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи Уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашга керак.

72. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонини ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

74. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига 04% гача устамга олиши мумкин.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

**XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

Буюртмачи:

Миришкор туман ҳокимлиги
Ободлаштириш бошқармаси.
Манзил: Янги миришкор шаҳарчаси.
тел: факс.652-18-19


ШХВ:
ИНН: 207095441
ОКОНХ: 97600

Молия вазирлиги газначилик ягона газна
ҳисоб варағи.

Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент Марказий банки ХККМ
МФО: 00014 : ИНН: 201122919

Раҳбар:


(имзо)

С.Шокулов



Пудратчи:

“Насаф қурилиш” МЧЖ
Манзил: Қарши тумани Хонобод қишлоғи
Телефон: 98-776-40-01
Х/Р: 202080003051544886001
Банк номи: Микрокредит банк АТБ Бешкент
филиали МФО: 00173 ИНН: 306958764
ОКОНХ:



Раҳбар:

У.Жумаев

(имзо)

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 116760 на приобретение Миришкор тумани Вори МФЙ тунги ёритиш куча чирокларини урнатиш

Способ проведения электронный

Дата 07.07.2022

Время рассмотрения 07.07.2022 14:37

Конкурсная комиссия Миришкор туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SHOQULOV SARDOR BAHODIROVICH	Рахбар	Миришкор т ободонлаштириш бошкармаси
Секретарь комиссии	KENJAYEV NIZOMJON JO'RAQULOVICH	Котиб	Миришкор т ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	QURBONOV MEHRIDDIN SHERMATOVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор т ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	CHORIQULOV AKRAM SHODMONQULOVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор т ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	ESHONQULOV NAJMIDDIN TOLLIYEVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор т ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	OCHILOV YOQUBJON YUSUFOVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор т ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.07.2022 года № лота 116760.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	04 Миришкор тумани Вори МФЙ куча ёритиш чирокларини урнатиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	142 100 000.00
Стартовая сумма	142 100 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Малакали мутахасислар мавжудлиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО НАСАФ - QURILISH	20	Малакали мутахасислар мавжудлиги тугрисида маълумотнома	20	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MЧЖ	20	Хужжатлар электрон тарзда илова килинади	18	Экспертная		
МО'JIZAVIY QURUVCHI XK	20	139250000	17	Экспертная		
TIB CAPITAL INVEST MЧЖ	20	Малакали мутахасислар мавжудлиги тугрисида маълумотнома	12	Экспертная		

Критерий №2 Курилиш давомида машина ва механизмлар мавжудлиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО НАСАФ - QURILISH	20	Курилиш давомида машина ва механизмлар мавжудлиги тугрисида маълумотнома	20	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MЧЖ	20	Хужжатлар электрон тарзда илова килинади	19	Экспертная		
МО'JIZAVIY QURUVCHI XK	20	139250000	15	Экспертная		
TIB CAPITAL INVEST MЧЖ	20	texnika va mexanizmlar	15	Экспертная		

Критерий №3 Кафолат хати хамда карруцияга йул куймаслиги хакида ариза

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО НАСАФ - QURILISH	20	Кафолат хати хамда карруцияга йул куймаслиги хакида ариза	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QILICHBEK PLYUS OG'ABEK MCHJ	20	Хужжатлар электрон тарзда илова килинади	17	Экспертная		
MO'JZAVIY QURUVCHI XK	20	139250000	17	Экспертная		
TIB CAPITAL INVEST MCHJ	20	Кафолат хати хамда каррупцияга йул куймаслиги	10	Экспертная		

Критерий №4 Банк ва солиқдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO NASAF - QURILISH	20	Банк ва солиқдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома	20	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG'ABEK MCHJ	20	Хужжатлар электрон тарзда илова килинади	15	Экспертная		
MO'JZAVIY QURUVCHI XK	20	139250000	15	Экспертная		
TIB CAPITAL INVEST MCHJ	20	Банк ва солиқдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома	10	Экспертная		

Критерий №5 Ташкилот гувоҳномази хамда раҳбар паспорт нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO NASAF - QURILISH	20	Ташкилот гувоҳномази хамда раҳбар паспорт нусхаси	20	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG'ABEK MCHJ	20	Хужжатлар электрон тарзда илова килинади	15	Экспертная		
MO'JZAVIY QURUVCHI XK	20	139250000	18	Экспертная		
TIB CAPITAL INVEST MCHJ	20	гувоҳнома	11	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО NASAF - QURILISH	142 100 000.00	140 500 000.00	06.07.2022 14:32:00	24.56
MOHIZAVIY QURUVCHI XK	142 100 000.00	139 250 000.00	07.07.2022 11:56:01	24.78
QILICHBEK PLYUS OG'ABEK MЧЖ	142 100 000.00	135 000 000.00	06.07.2022 22:26:27	25.56
TIB KAPITAL INVEST MЧЖ	142 100 000.00	115 000 000.00	07.07.2022 14:19:23	30.00

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО NASAF - QURILISH	70	24.55516	94.55516
MOHIZAVIY QURUVCHI XK	57.4	24.77558	82.17558
QILICHBEK PLYUS OG'ABEK MЧЖ	58.8	25.55556	84.35556
TIB KAPITAL INVEST MЧЖ	40.6	30	70.6

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 116760 от 07.07.2022 года на приобретение Миришкор тумани Вори МФЙ тунги ёритиш куча чирокларини урнатиш определила победителем:

ООО NASAF - QURILISH
306958764

и резервный исполнитель: QILICHBEK PLYUS OG'ABEK MЧЖ (303349733)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SHOQULOV SARDOR BAHODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	ESHONQULOV NAJMIDDIN TOLLIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	QURBONOV MEHRIDDIN SHERMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	CHORIQULOV AKRAM SHODMONQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	OCHILOV YOQUBJON YUSUFOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП